ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

# ISHONCH

*Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган*

*2006 йил 2 август, чоршанба № 127 (2176)*

**Ушбу сонда:**

2 МУЛК ҚАДРИГА ЕТГАН МУЛКДОР БЎЛАДИ

*Ёзги соғломлаштириш*

3 ГУЛНОРА ОПАНИНГ БОЛАЛАРИ

*Хат йўлга чорлади*

4 БИР КЛУБ МОЖАРОСИ

## *«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг биринчи сони босмадан чиқди*

# ЯНГИ ҚИЁФА, ЯНГИ МАЗМУН

***Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти аҳолининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқаруви ишларидаги иштирокини кенгайтиришдир.***

Бунда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг турли-туман ҳуқуқий ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда даврий юридик нашрлар муҳим рол ўйнаши керак.




Ҳозирда мамлакатимизда давлат қурилиши, қонун чиқариш фаолияти ва қонун қўллаш амалиётининг сиёсий-ҳуқуқий масалаларини ёритувчи 8 та юридик журнал (умумий адади 55 минг нусхада) нашр этилмоқда.

Давлат ва суд-ҳуқуқ тизими, қонунчилик ва қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқий онгни шакллантириш, фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда юридик журналлар ролини ошириш мақсадида, шунингдек, амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда Республика Президентининг 2005 йил 18 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" илмий-маърифий юридик журналининг янги мақсад ва вазифалари, устувор йўналишлари белгилаб олинди. Журнал уч тилда (ўзбек, инглиз, рус) ҳар чоракда бир маротаба чоп этилади.

Журнал ўз олдига жамиятни демократлаштириш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ҳуқуқий муаммоларини ёритиш, фуқаролар ҳуқуқий онгини ошириш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, инсонлар онгида демократик қадриятларни қарор топтириш, давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳоти ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган сифатли, юқори профессионал даражадаги материалларни тайёрлаш ва чоп этишни мақсад қилиб қўйган.

Ҳозирда мавжуд бўлган "Демократия ва инсон ҳуқуқлари", "Инсон ҳуқуқлари ва суд-ҳуқуқ тизими ислоҳоти", "Сиёсий партиялар ва фуқаролик институтлари", "Халқаро ташкилотлар ва демократик ислоҳотлар" каби рукнлар қаторида, муассислар таркибидаги ўзгаришлар билан боғлиқ равишда янги рукнлар киритилди.

Журналнинг муассиси ва ношири Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, ҳаммуассислар эса Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерациясидир.

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" илмий-маърифий юридик журналининг 2006 йил 1 сонини қўлга олар эканмиз, унда чоп этилган материаллар мундарижаси билан танишиш жараёнида юқорида таъкидланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш сари илк қадам қўйилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назировнинг "Миллат саломатлиги — юрт қудрати", Тошкент Ислом университети Ислом ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлар доктори А.Жузжонийнинг "Ўзбекистонда меҳру саховат ва ҳомийлик тарихидан", Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи, юридик фанлар доктори Т.Умаровнинг "Болалар ҳуқуқларини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари" каби бир қатор мақолаларда инсоннинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш масалалари таҳлил қилинади.

Журналнинг уч тилда чоп этилаётганини эшитган ўқувчи ўзбек тилида чоп этилган мақолаларнинг инглиз ва рус тилларидаги таржимаси берилибди дея ўйлашлари мумкин. Аслида эътиборли жиҳати ҳам шуки, инглиз ва рус тилларида чоп этилган мақолаларнинг ҳеч қайсиси бир-бирини такрорламайди.

**Журналнинг ушбу сонида Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси раиси Д.Жаҳонгированинг "Касаба уюшмалари фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида" (русча) мақоласи ҳам ўрин олган. Унда фуқаролик жамияти шаклланаётган ҳозирги мураккаб шароитда фаолият юритаётган Ўзбекистон касаба уюшмаларининг роли, ўрни ва ривожланиш истиқболлари ҳақида фикр юритилади. Қуйида ана шу мақолани тўлиқлигича чоп этмоқдамиз.**

## *Инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик жамияти*

**Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ ШАРОИТИДА

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида: "Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир", деб таъкидлаган эди. Бундай шароитда сиёсий институтлар каби ижтимоий институтлар ҳам ўз ишларини ўзгараётган вазиятни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиб, мунтазам равишда ривожланиши, янги муносабатларга киришиб, уларга хос бўлган вазифалар, фаолият шаклларини эгаллаб боришлари лозим.***

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган бир даврда Республика касаба уюшмалари олдида турган вазифаларнинг ўзига хос хусусиятлари энг аввало шундан иборатки, бугунги кунда касаба уюшмалари ижтимоий ҳаётда мутлақо янги воқеликка дуч келдилар. Улар хусусий мулк тобора катта аҳамият касб этаётган бир шароитда ишлай бошлашди. Республика иқтисодиётининг айрим тармоқларига чет эл сармоялари жадал суръатларда кириб келмоқда. Бунинг натижасида бозор иқтисодиётига хос бўлган меҳнат ва капитал ўртасидаги қарама-қаршилик тобора долзарб аҳамият касб этаяпти. Меҳнат қилувчилар ишсизлик даражасининг юқорилиги, иш ўринларининг қисқариши, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг тўланмаслиги, меҳнат қонунларининг бузилиши, янги хўжайинларнинг ўзбошимчаликлари каби оғриқли ҳолатлар орқали бундай зиддиятларнинг кескинлигини ўзларида ҳис этмоқдалар.

Шуни таъкидлаш керакки, эскича ишлашга кўникиб қолган касаба уюшмаларининг етакчилари ҳам, фаоллари ҳам янги соҳиблар олдида меҳнат қилувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, жамоа битимлари ва шартномаларига томонларнинг оғишмай амал қилишига эришишга тайёр эмаслиги сезилиб қолмоқда. Меҳнаткашлар эса ҳамон касаба уюшмаларига санаторий-курортларга йўлланмалар тақсимлайдиган, моддий ёрдам кўрсатадиган ҳомийлик ташкилоти сифатида қарамоқдалар. Ваҳоланки, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, бунинг учун курашиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

2-3 бетлар

***Ўтган асрда шўро истилосига қарши ошкора сўз айта олган, миллий мустақиллик ғояларини мардона илгари сурган ижодкорларимиз, очиқ айтиш керак, бармоқ билан санарли. Уларнинг бошида албатта, Чўлпон, Қодирий, Фитрат каби устозларимиз турадилар. Машъум ўттизинчи йиллар охирига келиб, ул табаррук зотлар сафимиздан юлиб олингач, бу каби озодликка ташна овозлар бошқа эшитилмайдигандек эди...***




Абдулла Ориповнинг 60 йиллик тўйи муносабати билан муҳтарам Юртбошимиз, бу шоир ўша шўро истибдоди даврида ҳам миллий мустақилликни куйлай олганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бу олий эътирофдан сўнг устознинг асарларини қайтадан ўқиб чиқдим ва аввалдан ўйлаб юрган фикрларим янада қатъийлашди-да, ушбуни ёзишга киришдим.

Абдулла аканинг ўзбек шеърияти саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилгулик гўзал шеърлари кўп ва у киши назмда мактаб ярата олганлиги ҳам айни ҳақиқат. Лекин мен бу кун ва ана ўша асарлардан бири ҳақида, Абдулла Орифона юморга йўғрилган «коса тагида ним коса»ли биргина шеъри хусусида гапирмоқчиман. Бу шеър «Чол ва коммунизм қиссаси» деб аталади. У шундай бошланади:

*Шаҳарнинг серҳашам кўчаси бўйлаб*
*Қайгадир мункиллаб кетар эди чол.*
*Кексаликда ахир, миянг бўш турмас,*
*Ҳар қадамда чулғар янги бир хаёл.*
*Чолнинг тасаввури мана бир зумда*
*Қуриб қўйди гўзал коммунизмни:*
*Мана ширин кулча сенга ва менга,*
*Бу эса эмизак, юпат қизингни,*

# ЧИНАКАМ ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

## (Бир шеър ҳақида сўз)

*Ким нима истайди, қани, марҳамат,*
*Умум дастурхонда ҳаммаси тайёр.*
*Мана, меҳмон кутар чол йигит ёшда,*
*Ёнида келинчак-кампири ҳам бор...*

Шундай қилиб, ёши бир жойга борган, бекорчиликдан безор бўлган чол хаёлида коммунизмни қуриб қўяди. Шоирнинг усталиги шундаки, у коммунизм хомхаёл бир нарса эканлигини фош этиш учун восита сифатида қариб миясига ҳар хил ўйлар келаверадиган бўлиб қолган ҳазилкаш, шунингдек, қувроқ ўзбек чолини танлайди. Энди ўзингиз ўйланг, ўзбек чолларининг ҳар бир гапи, ўйи беҳикмат бўладими? Демак, шоир коммунизмни болаларнинг бир ўйини каби тасвирлаяпти. Қаҳрамон қўлидаги бор нарсаларни тенг бўлашяпти ва буни коммунизм деб атаяпти. Унда ҳатто ёшлик, хотин каби тушунчалар ҳам умумий бўлиб кетишига ишора қилаяпти ва киноя билан ундай турмушнинг устидан кулаяпти. Коммунизм деганлари башариятнинг азалий қадриятларига, инсоннинг оддийгина инсоний тамойилларига ҳам ғорат солувчи бир ёвуз куч экан-да. Ахир ҳамма нарса умумий бўлиши мумкинми? Бу дегани эгасизлик дегани эмасми?

Бирдан чолнинг хаёлини носнинг ҳумори бўлиб юборди. Ғўлдираб қолди чол: «Ҳой, ота гўри, чекилмасанг бало бормиди шу дам. Шундай бир хаёлга завол бўлдинг-а». Ҳали буниси ҳам борми — бу чоли тушмагур банги ҳам экан-ку! Коммунизм ҳақидаги шунча гаплар банги хаёлида ҳали? Зиёли ўқувчининг юзида ошкора кулгу пайдо бўлади. Ё тавба, бу коммунизм деганлари бир чеким носга ҳам арзимас экан-ку!

*Алам қилмайдими, бир отим нос деб*
*Қайтиб келсанг ахир коммунизмдан!*

Чол хаёлини харчанд жамлашга уринмасин, уддасидан чиқолмайди. Лекин коммунизмдан ҳам қайтгиси келмайди. Бу энди коммунизм пуч хаёл эканлигини била туриб тан олишни истамаган шўро дарғаларининг асл қиёфасини, суратини намоён этади.

*Шундан сўнг чол аҳд қилади:*
*«Отимни бошқатдан қўйганим бўлсин*
*Ўша коммунани қурмасам агар!»*
*Дўконларга кириб харид қилди чол*
*Бир талай кулча-ю ҳамда эмизак.*
*Сўнгра кимларгадир узатди: «ма, ол,*
*Нон сенга, бу эса қизингга эрмак»...*

Кейинроқ эса чол дастурхон ёзиб, кўпчиликка зиёфат беради. Шу билан у ўзича коммунизм қуради. Бу сатрлар орқали шоир ўша сохта жамият яратишга уринган зотларга меҳмондўстлик, борини кўпчилик билан баҳам кўришлик, биродарлик, тенглик, кўпга дастурхон ёзиб қувониш ўзбекнинг азалий одати, қон билан кирган турмуш тарзи эканлигини эслатиб қўяди. Шунингдек, бу қадим халққа билағонлик қилиб ақл ўргатма, дегандай бўлади.

Халқимиз онгига осон етиб боргувчи латифанамо, масалнамо бу шеър 1965 йилда ёзилган. Яъни оламни таҳликага солган шўролар тузуми айни кучга тўлган вақт эди. Ҳали қатағон яраларидан қон оқарди. Шундайин замонда ёш бир шоирнинг бу эртаси йўқ жамиятнинг башарасини ўзбекона тилда очиб ташлаши, фош этиши чинакам жасорат эди, дор олдида ҳақиқатни айтиш билан баробар эди. Шоир бу билан шунингдек, бугунги порлоқ кунлар келиши муқаррарлигини башорат ҳам қилганди.

Устознинг бу каби шеърлари у кишини Чўлпону Қодирийлар қаторига олиб чиқади. Демак, Абдулла Ориф ўзбекнинг чинакам Қаҳрамон шоиридир.

**Наби ЖАЛОЛИДДИН**

***Кеча юртимиз олий ўқув юртларида тест имтиҳонлари бўлиб ўтди. Эрта тонгдан талабаликка даъвогар ёшлар тест синовларига шошилишди. Улар орасида илк бор билимини синаётганлар ҳам, иккинчи, учинчи сафар имтиҳон топширишга келганлар ҳам бор. Бу лаҳзалар нафақат ёшлар, уларнинг ота-онаси ва яқинлари учун ҳам энг ҳаяжонли дамлар ҳисобланади.***



# ҲАЯЖОНГА ТЎЛА ДАМЛАР

**Репортаж**

## *Оқ йўл, абитуриент!*



Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетига бу йил ҳужжат топширганлар сони кўпчиликни ташкил этди. Олийгоҳ тонг саҳардан одамлар билан гавжум бўлди. Навбат билан рухсатномасини кўрсатиб тест ўтказиладиган бинога кираётган йигит-қизларни кўриб, уларнинг юрагидаги орзиқиш беихтиёр кўнглингизга кўчади. Бир вақтлар олий ўқув юрти остонасида юрак ҳовучлаб турган дамларингиз эсга тушади. Ўзингизни улар қатори синовдан ўтадигандай ҳис этасиз. Лекин ёшлар юзидаги ўз кучига, билимига ишонч ифодасигина кўнгилда таскин уйғотади. Ҳар бирининг қадамидан ўт чақнайди, кўзида аланга порлайди. Лекин энг билимдонларгагина талаба бўлиш бахти насиб этади. Муаллимликдай улуғ ва шарафли касбни танлаган ёшлар дилидан кечаётган таассуротлар, ўй-хаёлларни билгимиз келди.

— Ниҳоятда ҳаяжондаман, — дейди ўзини Нилуфар Юсупова деб таништирган қиз. — Тест синовида биринчи маротаба қатнашишим. Нафосатга бой тилимизни, улкан адабий меросимизни чуқур ўрганишга қизиқаман. Шу ниятда ўзбек тили ва адабиёти факультетига ҳужжат топширдим. Имтиҳонга пухта тайёрланишга ҳаракат қилдим. Бу томондан кўнглим тўқ. Шунга қарамай омадим чопармикан, деган хаёлдан юрагим ҳаприқмоқда.

— Мени ҳам шундай ҳиссиёт чулғаб олган, — дея дугонасининг фикрини давом эттиради Чамангул Сатторова. — Бироқ ўз билимимга ишонаман. Омад кучлиларнинг кетидан эргашади, деган гап бор-ку. Насиб этса, ўқишга киришимга умидим катта.

Улар ўзига бўлган ишонч билан ҳужжат текшириб киритилаётган эшикка равона бўлишди. Ёшларимизда бундай дадиллик, қатъият билан ўз мақсади йўлида курашиш хислати борлиги кўнгилда ёруғ умид уйғотади. Келажагимизнинг муносиб эгалари камолга етаётганидан фахрланасан.

Белгиланган вақтгача барча абитуриентлар тест ўтадиган аудиторияларга кириб жойлашишди. Ташқарида улардан-да қаттиқ ҳаяжон ичида ота-оналари, ака-опалари туришарди. Ўз фарзанди, жигарининг синов онларида ким ҳам ташвиш чекмайди дейсиз. Уларнинг барчасида ана шу кайфият ҳукмрон.





— Фарзандингизнинг тестдан муваффақиятли ўтишига кўзингиз етаяптими? — дея сўз қотаман хаёлчан турган аёлга.

— Қайдам, қизим имтиҳон топширмоқда. Билишимча, билими ўзига етарли. Фанлар бўйича жиддий тайёргарлик кўрди. Буёғини энди тест натижаси кўрсатади, — дейди Саодат Муродова исмли аёл.

— Тестда ҳам адолатсизлик бўлиши мумкин, деган гаплар қулоққа чалинади. Сиз бу борада қандай фикрдасиз?

— Мен бундай асоссиз гапларга ишонмайман. Бу айрим билимсиз, ўзига ишонмайдиган кимсалар томонидан ўйлаб топилган гаплар. Мана, мисол учун, ҳозирги тест ўтказиш жараёнини кузатадиган бўлсак, бунга шубҳамиз қолмайди. Абитуриентлар эшикдан кираётганда ҳужжатлари жиддий кўздан кечирилиб, ҳатто ўзлари компьютер ёрдамида текширилмоқда. Бундай ҳолатда қалбакилик иш бермайди, деб ўйлайман.

Ана-мана дегунча уч соатлик вақт ўтиб, имтиҳон топширувчилар бирин-кетин чиқиб кела бошлашди. Юраги интиқ ҳолда кутиб турган ота-оналар уларга пешвоз чиқишди. Ҳамма таассуротини сўзлаган, ўзларича бири билан нималарнидир муҳокама қилган... Хуллас, зўр ҳаяжон билан кутилган дамлар ниҳоялади. Кимдир тестдаги саволларга берган жавобидан қониққан бўлса, кимнингдир кўнглида хавотир. Аммо барчаси олий даргоҳда таълим олиш бахти насиб этишига умид билан кўз тикмоқда. Ҳар қандай вазиятда инсондаги ана шу умид ҳеч ҳам сўнмасин, янада улғаяверсин, деган тилак дилдан ўтади.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ БАРПО ЭТИШ

(Боши 1-бетда)

Касаба уюшмалари ижтимоий воқелик сифатида фаолият кўрсатиб келаётганига икки юз йилдан ошди, ўтган вақт мобайнида ҳар бир муайян давр босқичлари вазифаларидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятининг мазмуни ва тузилиши ўзгарган, холос. Ёлланма ишчилар касаба уюшмалари тимсолида ўзларининг олдида турган меҳнат муносабатлари муаммоларини қайсидир даражада ҳал этадиган, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган жамоа кучини кўра билдилар. Бошқача айтганда, касаба уюшмалари бозор иқтисодиёти учун асосий бўлган меҳнат ва капитал ўртасидаги қарама-қаршиликни ҳал этиш шакли сифатида юзага келди ва ҳозир ҳам шундай.

Шу муносабат билан фуқаролик жамияти шаклланаётган ҳозирги мураккаб шароитда фаолият юритаётган республика касаба уюшмаларининг роли, ўрни ва ривожланиш истиқболлари қандай деган ҳаққоний савол туғилиши табиий. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий сиёсий негизини жамият ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда фаол иштирок этадиган айнан фуқаро, ижтимоий субъект ташкил этишини эътиборга олиб, фуқаролик жамияти ўз фуқароларининг фаровонлигини таъминлашга қаратилган иқтисодиётни ва ижтимоий ҳаётни барқарорлаштиришга, яъни жамиятда ижтимоий адолат қарор топишига кўмаклашмоғи керак.

Буларнинг барчаси касаба уюшмаларидан ўзининг инсонпарварлик мақсадлари ва ҳимоя функцияларини амалга оширишда янгича ёндошувни, касаба уюшмалари етакчиларини руҳий жиҳатдан чиниқтиришни, уларнинг иш услуби ва усулларини такомиллаштиришни, янги қонунчилик манбасини яратишни талаб этади, албатта. Бу эса касаба уюшмаларининг ўзида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашни, инсоний қадриятларни рўёбга чиқаришда чинакам кучга эга бўлиш учун бошланғич ташкилотлар ролини кучайтириш ва уларнинг етакчилари обрўсини оширишни зарур қилиб қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг III қурултойи қатнашчиларига мурожаати республика касаба уюшмалари ҳаракатини ривожлантиришга кучли туртки берди. Қисқа, лекин теран мазмунли ушбу ҳужжат касаба уюшмаларининг ҳозирги босқичдаги устувор вазифаларини белгилашда, айниқса ҳокимият ва ижтимоий тузилмалар билан муносабатларни ривожлантиришда, жамиятда манфаатлар уйғунлигини, давлат, иш берувчилар ва барча ходимлар манфаатлари мувозанатини таъминлашда касаба уюшмаларининг ролини кучайтиришда асос бўлиб қолди. Ўтган даврда республика касаба уюшмалари мамлакатимиз раҳбари томонидан ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан катта ишларни амалга оширдилар.

Ўтган йилнинг декабр

ойида Ўзбекистон Касаба уюшмаларининг IV қурултойида ҳисобот давридаги ишлар якунлари муҳокама қилинганида касаба уюшмаларининг фаолият шакллари ва усулларини янада такомиллаштириш, уни мамлакатимизда демократик қурилишлар йўлида амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар талабларига мувофиқлаштириш, "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамияти барпо этиш шароитидаги ҳаракат Дастури"ни рўёбга чиқариш масалаларига асосий эътибор берилди.

Ижтимоий мулоқотни ривожлантириш, ижтимоий шерикликни амалга ошириш ва такомиллаштириш масалалари— бу ўринда айнан улар асосий ўзак саналади — III ва IV қурултойлар оралиқ даврида Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг диққат марказида бўлиб келганлиги алоҳида эътиборга молик. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан мулоқотга асос қўйилди. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Ижтимоий-меҳнат муносабатларига доир долзарб масалалар юзасидан ҳукумат вакилларининг касаба уюшмалари фаоллари билан давра столи атрофида учрашувларини ўтказиш хайрли анъанага айланди.

Кейинги йилларда тармоқ ва ҳудудий даражадаги ижтимоий мулоқотлар яққол мустаҳкамланди. Агар 2000 йилда 76 та тармоқ битими тузилган бўлса, 2004 йилда уларнинг сони 90 тага етди. Жамоа битимлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш тартиби жорий этилиши эса уларнинг сифатини ошириш ҳамда ижтимоий негизини кучайтириш имконини берди. Ҳудудий шартномалар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда сифат ўзгаришларига эришилди. Ҳозирги кунда уларнинг аксарияти аниқ мазмун билан бойитилган бўлиб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, аҳолининг турмуш даражасини оширишга бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган беш йил ичида касаба уюшма органлари томонидан маҳаллий даражадаги жамоа-шартномавий муносабатларни ривожлантириш юзасидан кенг миқёсда чоралар кўрилди. Жамоа шартномаси тузиладиган юридик шахслар салмоғи 54 фоиздан 80 фоизга етди, жамоа шартномалари сони эса қарийб 4 бараварга ортди, чунончи энг кўп ўсиш иқтисодиётнинг нодавлат тармоғида кузатилди.

Жамоа шартномаси тобора ходимларнинг даромадларини бевосита ва билвосита ошириш воситасига айланмоқда. Жамоа шартномалари билан боғлиқ тадбирларни бажаришга сарфланган харажат-

тўпланган норасмий секторда иш ҳақи тўловига оид стандартлар пасайиб кетганлигини, ходимларнинг ижтимоий муаммолари ортиб бораётганлигини айтиб ўтишга тўғри келади. Шу боисдан касаба уюшмалари пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини камайтиришда, бозорлар фаолиятини тартибга солишда ҳукуматга кўмаклашиши лозим. Норасмий секторни ижтимоий демпинг ҳудудидан чиқариш лозим бўлади.

Ишсиз қолган кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат бозорини янада эркинлаштириш, қўшни давлатларда ишсизларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш учун ўзимизнинг агентликларни ташкил этиш борасидаги ҳаракатларимизни фаоллаштиришимиз даркор.

Республика ҳукумати касаба уюшмалари ҳаракати муаммоларига чуқурроқ кириб бормоқда ҳамда бизни доимий қўллаб-қувватлаб, ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда. Ҳукумат томонидан таклиф этилган ижтимоий-меҳнат муносабатларини бошқариш соҳасида касаба уюшмалари билан янада самарали ҳамкорлик қилиш борасидаги ташаббуслар бунга яққол далил бўла олади.

Қуйидаги мисолнинг ўзиёқ бу муаммонинг қанчалик долзарб эканлигидан шоҳидлик беради. Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган мажлисида бандликни таъминлашни аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти — 2006 йилнинг тўртинчи устувор йўналиши сифатида айтиб ўтди. Аввало, хотин-қизлар учун ихтисослаштирилган иш ўринлари яратиш, бунинг учун қисман иш билан таъминлаш ва касаначилик имкониятларидан фойдаланиш хусусида гапириш лозим бўлади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ҳайъати бу борада тегишли қарор қабул қилди. Ушбу ҳужжат унинг таркибига кирган тармоқ касаба уюшмаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонини амалга оширишга кўмаклашишни таъминлашга йўналтирди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш барча поғонадаги касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида устувор йўналишлардан биридир. Республика касаба уюшмаларининг III қурултойида "Касаба уюшмалари қанчалик кучли бўлса, иш ўринлари шунчалик хавфсиз бўлади" шиори эълон қилинди. Бу шиорни ҳаётга татбиқ этиш учун кўп ишлар қилинди. Республика касаба уюшмалари трипартизм доирасида янги иқтисодий муносабатларга мос келадиган ҳамда бозор шароитида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфа-

атларини ишончли ҳимоя қиладиган меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий базасини яратишга кўмаклашмоқда.

Лекин шунга қарамай, жисмоний эскирган жиҳозлардан фойдаланиш, меҳнатни муҳофаза қилишга харажатларнинг етишмаслиги, соғлом ва хавфсиз меҳнат шаротлари яратишда иш берувчилар иқтисодий манфаатдорлигининг таъсирчан механизми йўқлиги, ходимлар малакасининг етарли даражада эмаслиги, меҳнат ва технология интизоми даражасининг пастлиги шунга олиб келдики, жойларда ишловчи ходимнинг соғлиғига зарар етказиш эҳтимоли кучли бўлган иш ўринлари сони ҳамон юқорилигича қолмоқда. Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ҳамда касб касалликлари даражасининг секинлик билан пасайиб бораётганлигини меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги камчиликлар оқибати деб айтиш мумкин.

Булар биз яқин келгусида давлат ва хўжалик органлари билан биргаликда енгиб ўтишимиз лозим бўлган муаммоларнинг бир қисми холос. Шу муносабат билан биз:

— иш ўринларини мажбурий аттестациядан ўтказиш ва меҳнат шароитлари ҳолатини паспортлаштириш юзасидан талабчанликни кучайтиришимиз;

— меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар сонини лозим бўлган даражага етказишимиз — бу касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг ҳамкорликдаги вазифасидир;

— амалдаги меъёрларга мувофиқ ишловчиларни санитария-маиший бинолари ва қурилмалари билан тўла таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўришимиз;

— барча поғонадаги касаба уюшма органларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар билан таъминлашимиз ҳамда уларни ўқитишни ташкил этишимиз лозим.

Республикамиз Президенти ва ҳукумати хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлашга қанчалик катта эътибор бераётганлиги барчамизга

лашади. Бунда фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилишга, соғлом авлодни тарбиялашга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга, оилаларнинг дам олишини ташкиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Республика Президентининг қўллаб-қувватлаши туфайли бугунги кунда касаба уюшмалари учун ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштиришга йўналтирилган ижтимоий суғурта маблағларини тасарруф этиш сақлаб қолинди. Ушбу маблағлар ҳисобига 637 минг нафардан зиёд меҳнат қилувчи соғломлаштиришнинг барча тури билан қамраб олинди. Санаторий ва дам олиш уйларида 297 минг киши дам олди. 232 минг кишига имтиёзли ва бепул йўлланма берилди, улардан 52 минг нафари пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийларидир.

Корхоналарда ва ўқув муассасасалари қошида 60 та санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Уларда кейинги беш йилда қарийб 300 минг нафар ходим, талаба ва ўқувчилар ишлаб чиқариш ва ўқишдан ажралмаган ҳолда имтиёзли йўлланмалар билан соғлиғини тиклаб олди. Болаларнинг соғломлаштириш лагерларида (2005 йилни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) 1,5 миллион бола, шу жумладан, 12 минг нафардан ортиқ етим бола бепул дам олди. Оролбўйидаги 41580 нафар бола, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан 28998 нафар, Хоразм вилоятидан 12582 нафар

бола экологияси оғир зоналардан олиб чиқилиб, соғломлаштириш ва дам олиш учун республикамизнинг қулай шароитларга эга бўлган ҳудудларига юборилди.

Президентимизнинг ташаббуси билан бу йил мамлакатимизда ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинди. Касаба уюшмалари бундай олижаноб ишлардан четда қолмайди, албатта. Улар ҳар доим давлатимизнинг ижтимоий йўналишдаги барча дастурларида фаол иштирок этиб келдилар ва бундан буён ҳам ана шу йўлдан бораверадилар. Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳам бундан мустасно эмас, биз бу йилдаги вазифаларни амалга ошириш учун аниқ тадбирлар белгилаганмиз. Жумладан, жамоа шартномалари ва битимлари орқали кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, уруш ва меҳнат фахрийларига ижтимой ёрдам кўрсатиш режалаштирилган. Шунингдек 9 та ихтисослаштирилган тиббий муассасага, болалар уйлари ва қариялар уйларига жами 80 миллион сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатиш назарда тутилган. Шу йилнинг бошидаёқ республика касаба уюшмалари томонидан тиббий муассасаларда даволанаётган болалар учун янги йил байрами тадбирлари ташкил этилиб, уларга совғалар улашилди, бунинг учун салкам 10 миллион сўм сарфланди.

Ҳозирги давр касаба уюшмалари олдига қатъий талаблар қўйиб, қонунчилик, ҳуқуқни ҳимоя

қилиш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш борасидаги фаолиятини жонлантиришга даъват этмоқда. Улар қонунчилик ташаббусига эга бўлмаса-да, Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари билан ҳамкорлик қилишди, 11 та қонун ва 50 та қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этишди. Айни пайтда ходимларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан ҳам иш олиб борилди.

Биринчи ўринга ҳимоянинг суд ҳимояси каби шакли қўйилди. Касаба уюшмалари манфаатларини кўзлаб судларда 400 тадан ортиқ даъво қўзғатилди, ходимларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги қарийб 25 мингта шикоят ва аризалар кўрилди, мурожаатларнинг 60 фоиздан кўпроғи ариза берувчилар фойдасига ҳал қилинди.

Афсуски, касаба уюшмалари ҳуқуқий билимлар тарғиботини етарли даражада олиб бормаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди, шунингдек меҳнат жамоаларида қонунларга амал қилиниши устидан таъсирчан назорат ҳам яхши йўлга қўйилмаган.

III ва IV қурултойлар оралиғида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ташкилий тузилмасида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Федерация кенгаши ташкилий ишларни янада такомиллаштириш, Федерацияни мустаҳкамлаш, аъзолик ташкилотларининг бирлигини кучайтириш йўлида изчиллик ва собитқадамлик билан иш олиб борди. Энг асосийси, биз барча касаба уюшма тузилмаларида ташкилий-ижро ва молия интизомини кучайтиришга муваффақ бўлдик.

Ҳозирги вақтда касаба уюшма аъзолиги асослари муаммоси янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Бутун дунёда, шу жумладан, республикамизда ҳам касаба уюшма аъзолари сонининг камайиш жараёни кузатилмоқда. 2000 йилдан уларнинг сони 500 минг нафардан кўпроқ кишига камайди. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Бугунги бош вазифа ушбу жараённи тўхтатишга ҳамда касаба уюшмаларининг жозибадорлигини оширишга ёрдам берадиган воситаларни топиб ишга солишдан иборат. Бизнинг фикримизга кўра бундай воситалар қуйидагилар:

— жамоа шартномаси, у кўплаб касаба уюшма ташкилотларига касаба уюшмаси аъзолиги учун таянч ҳисобланади, шундай экан, унинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим;

— касаба уюшма органлари биринчи навбатда корхоналарда, нодавлат сектор муассасаларида, айниқса қўшма корхоналарда касаба уюшма ташкилотлари тузишга асосий эътибор қаратишлари керак.

"Касаба уюшмалари федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамия-

---

# МУЛК ҚАДРИГА ЕТГАН МУЛКДОР БЎЛАДИ

***Вазирлар Махкамасининг жорий йил биринчи олти ойлигида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган йиғилишида барча соҳалар таҳлил этилар экан, жумладан, бу борадаги ҳукумат қарорларининг ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Республиканинг бир қатор шаҳар ва туманлари ҳокимлари ҳисоботида шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантириш, хизматлар ва сервис соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларида шакллантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурлари биринчи босқичининг амалга оширилиши танқидий баҳоланди.***

Мустақиллик эпкинлари агросаноат мажмуи ходимларининг ҳам елкасига офтоб тегдирди. Ўтган даврда соҳада ислоҳотлар қарор топаётгани туфайли деҳқон ҳақиқий мулк соҳибига айланди. Тармоқлардан сифатли ва мўл маҳсулот етиштириш имкони туғилди. Аммо бир яхшининг ортида ёмони ҳам бўларкан. Асакалик Ихтиёр Бадалов билак шимариб ишга киришганида маҳалладошлари ғайратига тан беришгани рост. Дастлаб «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалигидан ер олиб, «Шарқ Баҳодири» фермер хўжалигини ташкил этди. 80 нафар ишчига бош бўлиб, етарлича шароитлар яратди. Уларнинг ишдаги ва оиладаги муаммоларини бартараф этишда қўлидан келган мададини аямади. Мулкдор саъй-ҳаракатларига ва янгилика ўз тақдирини боғлаган жамоанинг мавсумлар сарҳисобидан кўнгли таскин топди. Ходимлар иш ҳақига қўшимча бир сўмига бир ярим сўм даромад олди. Яна уларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам улашилди. Очиғи, аввалари ширкатдан бундай саховатни кўрмаган ишчилар янги усулнинг афзаллик томонлари кўп эканлигига ишонч ҳосил қилишди.

Ўтган йили кузакда ширкат хўжалиги маъмурияти тадбиркорга наслчиликка ихтисослашган чорва фермасини кимошди савдоси орқали сотиб олишни таклиф этди. Рости, фермерлик ўзини оқлаётгани сабабли келажакда чорвачиликни ҳам ривожлантиришни кўнглига тугиб юрган Ихтиёр учун таклиф айни муддао эди. Шу боисдан зарур ҳужжатлар тегишли ташкилотлар орқали расмийлаштирилиб, 91 миллион сўмга уни хусусийлаштириб олди.

Бироқ фермадаги аҳволни кўриб, ҳафсаласи пир бўлди. Зотдор, дея таърифланган 290 бошга яқин жайдари жониворлар қаровсизлик ва ем-хашакнинг йўқлигидан зўрға оёқ судрарди. Аксига олиб, изғирин кун сайин кучаяр, молхоналар эътиборсизликдан илма-тешик бўлиб кетган, томларнинг бутун жойи қолмаганди. Буниси етмагандай, заҳирада бир тутам хашак ҳам, ем ҳам йўқ. 30 бош соғин сигирдан атиги 9 килограмм сут соғиб олинаётгани дард устига чипқон бўлди.

Нима қилиш керак? Ортга қайтса, оғзига кучи етмаганлар гап қилиши аниқ. Асакаликларга хос орият белни маҳкам тутишга ундади. Ойлик маошни ҳам эплаб ололмай, ишдан қўл силтаб кетган 25 нафар чорвадорни жалб этиб, «Андижон Баҳодири» номи билан иш бошлади.

Аввал томлар ёпилди. Сўнг жамғариб қўйган маблағи ҳисобига 100 тонна сабзи, шунча оқшоқ, шулха, кунжара олиб, қишни беталофат ўтказишга эришди ва мол сонини 300 бошга етказди. Айни пайтда жамоа чорва наслини тиклашга бел боғлади. Қўшни туманлардаги чорвадорлар билан истқиболли шартнома тузиб, 20 бош зотдор моллар сотиб олинди. Шунингдек, мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида сунъий қочириш йўллари қайта тикланиб, вакуумда уруғ келтирилди.

Жонивор озуқадан алданмаса, ҳеч қачон панд бермайди. Бу ерда парваришланаётган ҳар бир мол эндиликда тирик вазнда 290-320 килограмм тош босмоқда. Соғувчиларнинг таъкидлашларича, ҳозирги кунда 120 дан 335 килограммгача сут соғиб олинмоқда.

## Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди

Албатта, атиги саккиз ой оралиғида бундай натижага эришишнинг ўзи бўлгани йўқ. Унинг замирида меҳнат, соҳага меҳр қўйиш мужассам. Қолаверса, мулкдорнинг бизнес-режаси кўп тармоқлиликка ихтисослашган.

Масалан, «Довуд« номли муқобил машина-трактор парки тасарруфидаги Германиядан валюта ҳисобига олиб келинган 3 та «Клаас-Мега 204» комбайнлари ҳам шу мулкдор ҳисобидан аҳолига, фермер хўжаликлари ва қўшни туманларнинг деҳқонларига арзон баҳоларда, шартнома асосида хизмат кўрсатмоқда. Жорий йил ғалла ўрими мавсумида ана шу комбайнлар билан вилоятдаги икки минг гектардан зиёд майдоннинг дони сифатли саранжомлаб олинди. Бундан келаётган даромад ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, сервис хизмати кўрсатиш қаторида унинг янги турларини шакллантиришга, ишчи ўринлари барпо этишга ва маҳсулотни шу жойнинг ўзида қайта ишлашга имкон яратмоқда.

Умуман, истиқлол шукуҳи халқимизга неки имкониятлар эшигини очган бўлса, асакалик тадбиркор тимсолида уни кўриш ва англаш мумкин. Эртанги куннинг ёруғ келажагига умид боғлаб, ўзига ҳам, жамоасига ҳам наф келтираётган тадбиркор саховатпешаликда бошқаларга намуна бўлмоқда.

Масалан, у 125 нафар кишини доимий иш билан таъминлаб, уларга шарт-шароитлар яратган. Меҳнат аҳлининг ўртача иш ҳақи 30 мингдан 150 минг сўмгача. Маҳалладаги битта кам таъминланган оилага соғин сигир туҳфа этди. 5 нафар меҳнат фахрийси, 3 нафар афғон уруши ва Чернобил АЭСи қатнашчисига ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Шунингдек, Қўнғирот қишлоғидаги 5 та маҳалла ичимлик суви билан таъминланган. Фермернинг бу каби олижаноб ишлари ҳақида саноқни яна давом эттириш мумкин.

Аммо муддао бу эмас. Меҳнат аҳли мақсадга эришиш йўлида айрим муаммоларни бартараф этолмай, сарсону саргардон. Ҳали у эшикка боради, ҳали бу раҳбарнинг оғзини пойлайди. Бироқ натижа йўқ. Вақт эса ўтиб бормоқда.

Чорвадорларда шундай нақл бор: ёзда калланг қайнаса, қишда тананг роҳат олади. Бунинг маъноси шуки, мавсумда тайёргарлик пухта бўлса, қишдан беталофат чиқасан. Лекин аҳвол шу даражада кетаверса «Андижон Баҳодири» номли чорвачиликка ихтисослашган жамоанинг бу йил қишда ҳам шўрига шўрва қайнайдиган кўринади. Сабаби битта: озуқа ва дағал хашак заҳираси яратилмагани.

Бисотида 130 гектар экин майдони бўла туриб, нега аҳвол шундай, деган ҳақли савол туғилиши турган гап. Шу боис масаланинг муҳим жиҳатини яна бир карра эслатишга тўғри келади: Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳар бир бош зотли мол учун 0,45 гектаргача озуқа майдони ажратиб берилиши кўзда тутилган. Аммо бу фермерда 300 бош чорва моллари бўлса-да, ҳокимлик томонидан атиги 8 гектардан зиёд ер ажратилгани ташвишланарли эмасми?

Имкониятлар изланиб, ғалладан бўшаган бир неча гектар ерга озуқабоп такрорий экин экилди. Бироқ қирчиллама қишда у урвоқ ҳам бўлмайди. Қолаверса, концентрати ўта паст, маҳсулдорликни камайтириши мумкин. Чорвадор елиб-югуриб, мақсадга эришолмагач, 100 бош молнинг ҳар бирига ойига катта миқдорда пул тўлаб бошқа ҳудудларга бориб боқтиришга мажбур бўлаётир.

Қиссадан ҳисса шуки, мустақиллик йилларида Асака деҳқончилигида ўзига хос яратилган мактабни ҳеч бир нарса билан ўлчаб бўлмайди. Шу жумладан, чорвачиликдан мўл ва сифатли маҳсулот олинганлигини кўпчилик яхши билади. Шундай экан, кўра-била туриб тармоқни барбод қилиш эмас, балки уни янада ривожлантириб, қўллаб-қуватлаш керак. Зеро, ҳукуматимизнинг ислоҳотларни жадаллаштиришга йўғрилган талабларидан кўзланган мақсад ҳам айнан шуни тақозо этади.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик жамияти

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАРОИТИДА

лар ҳар бир ходим бўйича 2000 йилдан 2004 йилгача уч бараварга кўпайди.

Хуллас, кўп ишлар қилинди, лекин амалга оширилмаган ишларимиз ҳам талайгина. Иқтисодиётдаги ислоҳот жараёнлари қайта ташкил этилган Савдо-саноат палатаси, бошқа иш берувчилар бирлашмалари билан шериклик алоқалари ўрнатишимизни, Асосий битимни тузиш учун уч томонлама республика комиссияси ташкил этишни талаб этади.

Ҳозирги вақтда ҳамма жойда тармоқ битимларидан тариф битимларига ўтиш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозим. Қаердаки бунга имкон бўлса, ҳудудий битимлардан регионал битимларга ўтиш вазифаси ҳам қўйилмоғи зарур.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, бир қатор корхоналарда жамоа шартномалари ўта тор доирадаги масалаларни тартибга солмоқда. Иш берувчилар томонидан бундай шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш муаммолардан биридир. Шу туфайли меҳнатга оид маслаҳатлар тизимини жамоа-шартномавий муносабатларга татбиқ этиш ҳамон долзарб вазифа бўлиб турибди. Шунингдек, жамоа шартномалари шартларини бажармаганлик учун иш берувчиларнинг ҳам, касаба уюшмаси органларининг ҳам масъулияти оширилмоғи лозим.

Бугунги кунда ҳар кимни касаба уюшмаларининг вазифалари ва функциялари хилма-хил эканлигига ишонтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Фақат биргина ҳолатга аниқлик киритиш мумкин: иқтисодиётда уларнинг тутган асосий ўрни — ходимлар иш ҳақи ва даромадлари ошишига эришишдан иборат.

Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши иш ҳақи масалаларида ҳукумат билан ҳамкорлик қилишга жиддий эътибор бериб келди ва келмоқда. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг саъй-ҳаракатлари билан кейинги беш йилда энг кам иш ҳақи миқдори 8 марта кўриб чиқилди, унинг миқдори эса 3,9 баравар ошди. Бизнинг баҳомизга кўра шу даврнинг ўзида номинал ўртача иш ҳақи республика бўйича 3,9 баравардан кўпроқ ортди. Реал иш ҳақининг барқарор ўсиш жараёни кузатилди.

Шу билан бирга иш ҳақи соҳасида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан:

— иш ҳақи миқдори айниқса бюджет соҳаси ходимларида паст;

— бир қатор тармоқларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги тизими меҳнат харажатларини тўлиғича ҳисобга олаётгани ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантираётгани йўқ;

— иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ҳудудлар ўртасида иш ҳақидаги номутаносиблик кенгайиб бормоқда. Буларнинг барчаси меҳнатга ҳақ тўлашга доир меъёрий-ҳуқуқий база муайян даражада қайта кўриб чиқилиши ва қўшимчалар билан тўлдирилиши зарурлигидан далолат беради.

Сир эмаски, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш масаласи бугунги кунда янада долзарб аҳамият касб этиб, касаба уюшмалари ҳимоя функциясининг муҳим таркибий қисмига айланди. Буни эътиборга олиб, касаба уюшмалари федерацияси Вазирлар Маҳкамаси, Президент девони, Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ушбу масалаларда доимий ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жойларда иш ҳақи тўлови кечикаётганида касаба уюшмалари аъзолари иш берувчилар олдига расмий талаблар қўймоқдалар, ҳокимиятларга, банкларга, прокуратурага мурожаат қилмоқдалар, иш ҳақи бўйича муддати ўтиб кетган қарздорликни бартараф этиш учун судларга даъво аризаси тақдим этмоқдалар. 2000 йилни эслайлик, бутун йил давомида республика бўйича олиб қарайдиган бўлсак, қарзларни ундириш ҳақида касаба уюшмаларидан прокуратурага атиги 3 та мурожаат, судга эса 2 та даъво аризаси келиб тушган. Ҳозир эса биз ҳар йили прокуратура органларига 200 тадан зиёд мурожаатни, судга эса салкам 100 та даъво аризасини расмийлаштирмоқдамиз. 2005 йилга келиб иш ҳақидан қарздорлик анча камайди.

Бизнинг меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасидаги келгуси вазифамиз — ижтимоий адолатли меҳнат тизимини, меҳнатни меъёрлаштириш тизимини жорий этишга янада фаол кўмаклашишдан иборат.

Бозор иқтисоди шароитида юзага чиқадиган ўткир муаммолардан бири меҳнатга яроқли аҳоли бандлигини таъминлаш, мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринлари яратишдир. Бу муаммоларни ҳал этиш ўз навбатида касаба уюшмаларидан ҳам катта куч-ғайрат сарфлашни талаб этади. Бандлик муаммоси ходимларни қайта ўқитиш ва қайта ихтисослаштириш билан ҳам боғлиқ. Ҳар йили қарийб 100 минг нафар ходим жамоа шартномалари ва битимлари билан боғлиқ тадбирлар доирасида касбий тайёргарликдан ўтади.

Биз Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида келишиб ҳаракат қилиш, барча даражада мунтазам маслаҳатлашув, меҳнат бозори ҳақида ахборот алмашиш тўғрисида тадбирлар ишлаб чиққанмиз.

Аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасидаги муаммолар орасидан қуйидагиларни қайд этиш зарур:

— янги барқарор иш ўринлари яратиш суръатининг пастлиги;

— норасмий секторда бандликнинг ўсиши;

— яширин ишсизлик;

— бошқа мамлакатлардаги яширин меҳнат миграцияси.

Бугунги кунда бандликнинг салмоқли улуши

яхши маълум. Ана шундай кучли қўллаб-қувватлашдан фойдаланиб, касаба уюшма органлари ишловчи хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасидаги ишларни жонлантирдилар. Ушбу тоифадаги ходимлар учун имтиёзли меҳнат шароитлари яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилди. Бу соҳада қонунларга амал қилиниши устидан жамоатчилик назорати кучайтирилди.

Жамоа шартномалари ва битимларини амалга ошириш доирасида ҳар йили 600 минг нафардан ортиқ хотин-қизга қўшимча таътиллар берилди, 20 минг нафар аёлнинг ҳомиладорлик ва туққанлик бўйича таътили узайтирилди, 20 минг нафар кўп болали аёлларга қисқартирилган иш куни белгиланди, моддий ёрдам кўрсатилди, бошқа имтиёзлар берилди.

Лекин шунга қарамай, бу соҳада ҳали муаммолар кўп. Аввало бу эркаклар ва хотин-қизларни меҳнат ва машғулотларга жалб этишда тенгликни таъминлаш, хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига қўйишдаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш, уларни зарарли меҳнат шароитидан халос этиш масалаларига тааллуқлидир.

Маълумки, меҳнатнинг ишлаб чиқариш кучлари шахснинг ривожланиш даражасига, бўш вақтга боғлиқ бўлиб, бу жараёнда инсон ўзининг қобилиятини ўстиради, ишлаб чиқаришга фаол таъсир кўрсатади. Шу туфайли касаба уюшмалари ўтиш даври шароитида ҳар бир инсон ижтимоий бойлик ва ҳаёт даражасининг кўрсаткичи ҳисобланган бўш вақтнинг қадрига етишига эришиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ўзбекистон касаба уюшмалари буни эътиборга олиб, жамиятни маданий-маърифий янгилаш, кишиларда юксак маънавиятни, шахсга ҳурматни, ўзини ўзи қадрлаш ҳиссини, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, меҳнаткашларни юксак ватанпарварлик, мустақиллик мафкураси, ўз ватани билан фахрланиш руҳида тарбиялашда кенг ва фаол иштирок этмоқдалар. Буларнинг барчаси жамиятимиз равнақининг асосини ташкил этади. "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамияти барпо этиш шароитидаги ҳаракат Дастури"да бу йўналишдаги ишларга бутун бир бўлим бағишланган. Федерация кенгаши белгиланган вазифаларни амалга ошира бориб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ажратиладиган бюджет маблағларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, маъданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техникавий ҳолатини яхшилаш, аҳолининг кам таъминланган қатламлари, етим болалар ва уларнинг оила аъзоларига бу муассасалардан имтиёзли фойдаланиш имкониятини яратиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада ривожлантириш, спортни оммавийлаштириш, меҳнат қилувчиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун иш берувчилар томонидан тегишли шароитлар яратиш, болалар ва ёшларни тарбиялаш ва соғломлаштириш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг болалар спортини ривожлантиришга кўмаклашиш тўғрисидаги Фармонига, Вазирлар Маҳкамасининг бу ҳақдаги қарорларига мувофиқ касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятида 67 та болалар-ўсмирлар спорт мактаби ишлаб турибди, улардан 18 таси эса ихтисослаштирилган Олимпия заҳиралари мактабидир.

Касаба уюшмалари маблағлари ҳисобига БЎСМларнинг модий-техникавий базаси мустаҳкамланмоқда ва ривожлантирилмоқда.

Масалан, Термиз ва Самарқанд шаҳарларида замонавий сузиш ҳавзалари, Навоийда спорт зали қурилиб фойдаланишга топширилди, Қаршида сузиш бассейни бунёд этилмоқда, Гулистон ва Қаршидаги стадионлар қайта таъмирланаяпти, Янгийўлда болалар учун спорт-соғломлаштириш мажмуаси, Тошкентдаги "Яккасарой" спорт мажмуасида сузиш бассейни, Андижон вилоятининг Асака шаҳрида стадион қурилиши режалаштирилмоқда.

Лекин шунга қарамай, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини маънавий ва жисмоний жиҳатдан камол топтириш борасида ечимини кутаётган бир қатор муаммолар ҳам мавжуд.

Чунончи, маданият саройлари ва уйлари, клублар капитал таъмирга муҳтож. Корхоналарда маблағ йўқлиги туфайли кейинги беш йилда 350 та клуб, маданият уйлари, 229 та кутубхона ёпилди ёки бошқа мақсадларда бериб юборилди.

Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод учун", "Маҳалла", "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармалари ва ижодий уюшмалар билан бу масалалар юзасидан ҳамкорлигимиз аксарият ҳолларда расмий ва "донорлик" йўсинида бўлди. Ҳозирги пайтда эса биз улар билан ҳамкорликнинг янги шаклларидан фойдаланмоқдамиз ва бу ушбу йўналишдаги ишларимизни жадаллаштиришга кўмак

тини барпо этиш шароитидаги ҳаракат Дастури" узоқ муддатли истиқболни кўзлаб қабул қилингани учун Дастурга, шунингдек амалдаги Низомга ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга қарор қилинди.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш концепцияси ҳамда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов илгари сурган мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг асосий вазифалари асосида келгуси беш йилликдаги фаолиятимизнинг бош йўналишлари ишлаб чиқилди. Ушбу мажлисда Президентимиз: "... мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор вазифа бўлиб қолаверади. Фақат мана шу асосда, мана шу негизда мамлакатдаги қолоқлик ва камбағаллик муаммоларини ҳал этиш мумкин ва зарур" деб таъкидлаган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида бу фикр яна бир бор илгари сурилди. Президентимиз Ислом Каримов истиқболдаги вазифалар ҳақида гапирар экан, 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига мажлис қатнашчиларининг эътиборини қаратиб, "Юқорида баён қилинган энг муҳим йўналишлар ва устивор вазифаларни амалга оширишдан асосий мақсад, аввало, иқтисодиётимизни жадал ва барқарор ривожлантириш, юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этищ, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини яратиб беришдан иборатдир", дея таъкидлади.

Инкор этиб бўлмас ушбу ҳақиқат ҳар бир меҳнат кишисининг, ҳар бир касаба уюшма раҳбарининг қон-қонига, вужудига сингиб кетмоғи лозим.

Давлат ва жамият ҳаётини ислоҳ қилиш ва янгилашда Президентимиз бизнинг олдимизга қўйган узоқни кўзлайдиган мақсадимиз — ўзимиз танлаган мамлакатни модернизация қилишнинг "кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини амалга оширишдан иборат.

Бу вазифаларни амалга оширишда аҳолининг турлича ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи ҳамда мамлакатда қурилаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари ҳисобланган ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари нуфузини ва таъсирини оширишга катта аҳамият берилади.

Биз кишилар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда юз бераётган демократик янгиланиш ва ўзгаришларни чуқурлаштиришда касаба уюшмалари роли ва аҳамиятини кучайтирмоғимиз зарур.

Шу боисдан Ўзбекистон касаба уюшмалари халқаро терроризм каби ёвузликка қарши курашда ўзининг аниқ позициясини эгаллаган. Улар терроризм бутун инсоният душмани эканлигини, унга қарши кураш жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим вазифаси эканлигини теран англайдилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов олий даражадаги халқаро анжуманларда терроризмнинг кучайиб бораётганлигига қайта-қайта эътиборни қаратган, терроризмнинг даҳшатли кўринишларига қарши нафақат курашиш, балки асримизнинг ушбу вабосини жамият, дунё халқлари ҳаётидан бутунлай супуриб чиқариб ташлаш барча давлатларнинг долзарб вазифаси бўлмоғи кераклигини мунтазам таъкидлаган эдилар.

Биз терроризмга қарши кураш олиб бориш билан адолатсизликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашган ҳам бўламиз, дини ва ирқидан қатъи назар адолатли жамият қуришда ўзимизнинг ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Касаба уюшмалари фаолиятининг самарали тактикаси юқорида қайд этилган стратегик йўналишларни амалга оширишга эришишга кўмаклашмоғи лозим. Бу тактикада бизнинг назаримизда қуйидаги жиҳатлар кучайтирилмоғи керак:

— касаба уюшмалари фаолиятида ислоҳотлар ва ўзгаришларни амалга оширишда тадрижийлик, босқичма-босқичлик ва изчиллик;

— ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ўзгаришларга ҳозиржавоблик, вазият прогнози ва ҳолати тўғрисидаги ахборот таҳлил ишларини кучайтириш;

— қонун чиқарувчи, вакиллик ва ижро органларида меҳнат кишиларининг манфаатларини ёқлаш, касаба уюшмалари ҳақидаги қонун ҳужжатлари пакетини шакллантиришга кўмаклашиш;

— инсон омилини кучайтириш, онгли, билимдон, ижодкор, фикрловчи кадрларга таяниш;

— ахборот-тушунтириш ишларини ва касаба уюшмалари фаолияти тарғиботини кучайтириш, реклама акциялари ўтказиш;

— муҳим ижтимоий масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантиришда фаол иштирок этиш, бунинг учун оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, барча жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан фойдали ҳамкорликни йўлга қўйиш.

**Биз бундан буён ҳам Федерациямиз ёлланма меҳнат кишиларининг қонуний ҳуқуқлари, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини самарали ҳимоя қилишига, уларнинг куч-ғайратларини мамлакатимизнинг буюк келажаги йўлида бунёдкорлик ишларига сафарбар этишига интилаверамиз.**

# ТАБИАТ ҚЎЙНИДА

***Зомин тоғлари ўзининг зилол суви ва тоза ҳавоси билан киши соғлиғига катта фойда келтиради. Кўплаб болалар оромгоҳларининг шу тоғлар бағрида жойлашганлиги ҳам шундан. Ана шундай оромгоҳлардан бири Амир Темур номидаги дам олиш масканидир. У Даштобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига қарашли бўлиб, 100 ўринга мўлжалланган.***

Болалар сўлим гўшада мазза қилиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Турли спорт майдончалари улар ихтиёрида. Шу боисдан зерикиш нималигини билишмайди. Оромгоҳда ўғил-қизларни маънавий тарбиялашга кенг имконият яратилган. Бу ерда ўқувчиларга кўчма кутубхона хизмати ташкил этилган. Болаларнинг сиҳат-саломатлигини назорат қилишда шифокор ва ҳамширалар туну кун хизматга тайёр.

— Оромгоҳни мавсумга тайёрлашга жиддий ҳозирлик кўрилди, — дейди Зомин туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Рустам Баҳриддинов. — Йўлланма тўловининг 20 фоизи ижтимоий суғурта, қолган қисми хўжалик ҳисобидан қопланяпти. Бир сўз билан айтганда, кам таъминланган оила фарзандлари ижтимоий ҳимоя остида.

Айни кунда оромгоҳда болалар ёз мавсумини мазмунли ўтказаяптилар. Етакчи ва тарбиячилар болалар билан бир-биридан қизиқарли, ранг-баранг тадбирлар уюштиришмоқда. «Келинг, танишайлик», «Марҳабо, талантлар», «Болалар овози», «Алпомиш ва Барчиной», «Тарбиячи-ёрдамчи» каби спорт мусобақалари ва тадбирлар шулар жумласидан. Шунингдек, санъаткорлар билан учрашувлар ташкил этилаяпти.

— Биз оромгоҳда асло зерикмаймиз, — дейди дам олувчи Ноила Сайитбахромова. — Табиат қўйнига саёҳат, қўшни оромгоҳ болалари билан учрашувлар бизга манзур бўлаяпти. Шунингдек, турли спорт мусобақалари ўтказиш анъанага айланган. Бу ерда кўплаб дўстлар орттирдим. Олтин ёз мен учун ана шундай мазмунли ва таассуротларга бой ўтаяпти.

Бунда болаларнинг ҳар бир кунини мароқли ва кўнгилли ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган режа дастури қўл келмоқда. Унга кўра ўғил-қизларни бўш қолдирмаслик, турли қизиқарли ва фойдали машғулотларга жалб этиш кўзда тутилган.

**Абдусаттор СОДИҚОВ,**
**Жиззах вилояти**



Ёзги соғломлаштириш

# ГУЛНОРА ОПАНИНГ БОЛАЛАРИ

***Яккабоғ туманининг Нуғайли қишлоғида шундай маскан бор. Атрофи дов-дарахтлар билан ўралган, катта майдонни эгаллаган бу боғ кўнгли ўксик болажонларнинг қадрдон гўшасига айланган.***

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги бу даргоҳда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари дам олиб, саломатликларини тиклайдилар.

— Хуш келибсизлар, — дея очиқ чеҳра билан қарши олган оромгоҳ раҳбари Гулнора Ҳакимова бизни спорт мусобақалари ўтказилаётган майдонга бошлади.

Турнабулоқ дарёсига туташиб кетган гўзал табиат бағрида спорт мусобақаларида иштирок этаётган қатнашчиларнинг ҳаракатларига разм соламиз. Волейбол, футбол ўйинларини мароқ билан давом эттираётган, стол тенниси, шахмат-шашка мусобақаларида иштирок этаётган болажонлар қувончи чексиз.

Мусобақа тугаб, ғолиблар тақдирланди. Дарёнинг муздек зилол сувида енгилгина ювиниб олган ўқувчилар тушликка чиқишди. Бош етакчи Музаффар Мустафоев болаларни жойлаштириб қайтгач, уни суҳбатга тортдик.

— Ўн икки йилдан буён шу ерда меҳнат қиламан, — дейди Музаффар ака. — Булар менга қадрдон бўлиб қолишган. Бошқарма томонидан йўлланма билан келаётган ёш толиби илмлар 15 кун давомида дам олиб, соғлиқларини тиклайдилар. Ҳар босқичда 200 нафар бола дам олдириляпти. Бу йилги мавсумда 600 нафар талабани соғломлаштириш режалаштирилган. Уларнинг ҳар бир кунини мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида турли тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Бу ерда «Касбим-фахрим», «Буюк сиймолар», «Меҳр кунда керак», «Табиатни асранг» мавзуларида ўтказилаётган тадбирлар дам олувчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Шунингдек, тасвирий санъат, мусиқа тўгаракларида ишлаб турибди. Тарбиячи ҳамда тўгарак раҳбарлари ҳар бир машғулотнинг мукаммал ўтишини таъминлаяптилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, талабаларнинг асосий қисми Меҳрибонлик уйларида тарбияланиб, сўнг ўқув масканларида таълим олишаётир.



Уларнинг келгусида етук мутахассис бўлиб етишишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Уларга меҳрини бераётган Гулнора опадек оқ кўнгилли мураббий борлигидан толиби илмларнинг қувончи чексиз.

— Мен Қарши қурилиш касб-ҳунар коллежида таълим оламан, — дейди Шуҳрат Абдураҳмонов. — Тақдир менга ота-она тарбиясини насиб этмаган бўлса-да, атрофимиздаги меҳридарё инсонларнинг борлиги туфайли камчиликсиз ўсиб улғаймоқдамиз. Бизларга қалб қўрини, меҳрини бера олган тарбиячилардан миннатдорман. Коллежни тугатгач, яна ўқишни давом эттириш ниятидаман.

Дам олаётган Шавкат Алиқулов, Мария Георгиналар ҳам коллеж ўқитувчи-мураббийларидан миннатдор эканликларини изҳор этдилар. Дунёда эзгу ва савобли ишлардан-да улуғроқ фазилат йўқ. Оромгоҳдаги дам олиш кунларини мазмунли ва мароқли ўтказаётган талабалар ҳузуридан қайтар эканмиз, Гулнора Ҳакимовадек қалби дарё мураббийларга тасаннолар айтгинг келади.

**Шавкат СУЛТОНОВ**

# «ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ» кўрик-танлови

***Бошланғич касаба уюшма ташкилоти ишини замон талаби даражасига кўтариш, ижобий иш тажрибаларини тарғиб қилиш мақсадида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловини ўтказди.***

Қатнашчилар ўтказилган ҳар бир тадбирнинг фото лавҳаси, жамоа шартномалари ва келишувларига мувофиқ бажарилган ишларни намойиш қилишди.

Даставвал тизимда илғор иш тажрибалари диққат билан ўрганиб чиқилди. Эътиборга молик иш тажрибалари кенг тарғиб қилинишига алоҳида аҳамият берилди. Бунда барча бошланғич ташкилотларда биринчи навбатда ташкилий тузилма ва унга мос муносабатлар такомиллаштирилди. Бу эса ўз навбатида қуйи бўғин обрўсининг ошишига олиб келди. Ҳар бир касаба уюшма ташкилотида жамоа аъзоларининг касбий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилиш масъулияти оширилди.

Тадбир соҳада маънавий етук, дунёқараши кенг, фикри теран, жисмонан соғлом, баркамол инсонларни тарбиялаш ходимлар олдидаги энг муҳим вазифа эканлигини англаш имконини берди. Шуни ҳисобга олиб, вилоятдаги барча таълим муассасаларида ёшларни фан, спорт, касбий таълим, техник ижодкорлик, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига, турли маънавий-маърифий тадбирларга жалб қилиб, бўш вақтини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳар бир ишловчи манфаатдорлик кўрсагина унумли меҳнат қилади. Инсон учун моддий қўллаб-қувватланишдан ташқари маънавий мадад ҳам катта аҳамиятга эга. Бошланғич ташкилотларда кам таъминланган, кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Хусусан, илғор ва ташаббускор педагогларни рағбатлантириш, соғлиқларини тиклаш, кўп йиллик хизматлари учун устама хақ тўланиши каби ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий манфаатларини таъминлаш яхши йўлга қўйилган.

Кўрик-танловда вилоятдаги барча бошланғич ташкилотлар уюшқоқлик билан иштирок этишди. Вилоят босқичида туманлардан 16 та

## Ахборот

касабақўм ўзаро беллашди. Мусобақа якунига кўра, Булунғур туманидаги 2-ўрта мактаб касаба уюшма раиси А.Аҳмедовнинг фаолияти муносиб баҳоланиб, биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Ғолиб ҳамда фаол қатнашчилар қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Жисмонан бақувват, маънавий етук, мард ва жасур авлодни тарбиялаш зиммамизга катта масъулият юклайди. Ўтказилган танловлар ана шу йўналишдаги ишларимизга ойдинлик киритди.

**С.РАСУЛОВА,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши раисининг ўринбосари**

## Пойтахтимиз меҳмонлари



# ИРКУТСК ТЕАТРИ ГАСТРОЛИ

Қарийб бир ойдирки, Тошкентда Н. Загурский номидаги Иркутск мусиқали театри жамоасининг Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри саҳнасида гастрол сафарлари давом этмоқда. Иркутсклик ижодкорлар пойтахтликлар ҳамда хорижий меҳмонларни «Сильва», «Белая акация», «Юнона и Авась», «Моя прекрасная леди», «Двенадцать месяцев», «Тысяча и одна ночь», «Фиалка Монмартра», «В джазе только девушки», «Боядера», «Иисус Христос — супер звезда», «Целуй меня, КЭТ» каби классик, замонавий, комедия, мусиқали эртак ва балет асарлари билан хушнуд этмоқдалар.

— Бундан 18 йил муқаддам, 1989 йилда гастрол сафари билан тошкентликлар ҳузурида бўлгандик. Орадан шунча вақт ўтса-да, пойтахт аҳолиси ижодий жамоамизни эски қадрдонларидек қучоқ очиб кутиб олишди. Томошабинлар спектаклларимизни катта қизиқиш билан қарши олмоқда. Барча чипталар сотиб бўлинган. Бўш вақтларимизда Тошкентнинг тарихий ва янги қурилган обидалари, чиройли, хушманзара масканлари билан яқиндан танишмоқдамиз, — дейди театр директори ва бадиий раҳбари Владимир Шагин. — Ўзининг 15 йиллик тўйини нишонлаётган Ўзбекистон Республикаси мустақиллик даврида ҳар томонлама тубдан ўзгариб кетибди. Амир Темур хиёбони, Темурийлар музейи ва Шаҳидлар хотираси мажмуаси, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, янги бунёдкорлик иншоотларини кўриб ҳайратга тушдик.

Ўзининг 65 йиллигини нишонлаётган Иркутск театри жамоаси катта тарихий ва ижодий йўлни босиб ўтди. Бу театр йилномасига кўплаб таниқли ижодкорлар — Григорий Гросс, Августина Воробьева, Александр Орлов, Геннадий Будрин, Вера Пясковская, Виктор Жибинов, Макс Шнейдерман, Елена Волошина каби иқтидорли артистлар, режиссёрлар, дирижёрлар, балетмейстерларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Юксак маҳоратга эга бўлган Иркутск театрини нафақат Россияда, хорижда ҳам яхши билишади. Репертуарида 200 дан зиёд классик ва замонавий асарлари бўлган жамоани ҳурмат қилмай бўларканми ахир! Уларнинг мухлислари Алмати, Бишкек, Душанбе шаҳарларида ҳам талайгина. Тошкентда давом этаётган гастрол театрнинг нуфузига нуфуз қўшмоқда. Бу эса Россия билан Ўзбекистон халқлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада ривожланаётганлиги тимсолидир.

**Раҳимжон ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## *Ўзбекистон — умумий уйимиз*

# СИЙЛАНГАН ЖОЙИДА АЗИЗДИР ИНСОН

***Юрт ишқи, соғинчи юракларнинг тубидан жой олган. Барибир у кўнгилга чўғ ташлаб тураверади. Лида Николаевна ҳам тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолганди. Нафақага чиққунга қадар халқ таълими соҳасида хизмат қилди. Юрт меҳри, қариндошлари дийдори уни ўз юртига ундади. Нафақага чиққач, ўша соғинч алангаланди чамаси уй-жойини сотиб, кўч-кўронини ортди.***

Ёлғиз аёлга осон бўлмади. Она юртида анча азиятлар чекди . Бор-буди атиги бир йилгагина етди холос. Ҳориб-чарчаб яна Гулистонга қайтди. Ёшлик шижоатию ғайрати тарк этгач инсонга осон бўлмаслиги табиий. Ана шундай мискин кўнгил бағрикенглик, меҳр-оқибатга муҳтожлик сезади. Лида опа ёлғизликдан чўчиганди. Аммо у ўз юртида тополмаган эътиборни биздан топди. Мирзаободлик Рахмат Абдураимов ёлғиз, уй-жойсиз кампирни ҳеч иккиланмай ўз хонадонига қабул қилди. Ўз волидасидек парваришлади, унга меҳрини берди. Қадрдон жамоаси эса нафақахўр аёлни қўшимча иш билан таъминлади. Серғайрат кампир ҳам қўл қовуштириб ўтирмади. Ишга киришди. Топганини тугунлаб йиғди. Яқинда янги уй сотиб олди. Рахмат ҳам қараб тургани йўқ. Баҳоли қудрат ёлғиз қарияга ёрдам қўлини чўзди.

— Қавми-қариндошлардан топмаган иззат-икромни ўзбеклардан топдим, — дейди Лида Горохова. — Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб бежизга айтишмас экан. Мусофирчилик бошимга тушгандагина қаттиқ ҳис қилдим. Дунёнинг ҳеч бир ерида ўзбекдек меҳр-оқибатли халқ йўқ. Буни яна бир карра ҳис қилдим. Кексаларни иззатлайдиган, уларга имкон қадар кўмак берадиган юрт ҳам шу Ўзбекистон. Мен севимли гўшамни ташлаб кетиб, бир карра адашдим. Қадр топган еридагина инсон азиз экан.

Кекса онахон янги уйда тўй қилди. Ҳамкасблар, қўни-қўшнилар даврасида «шунча яқинларим бор экану мен бўлсам узоқдаги қариндошларимни излаб юрибман-а», дея кўзларига ёш олди. Буни кўрганлар онахонга бор меҳрларини бағишлашди. Унга узоқ умр тилашди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**

## *2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили*



Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб соҳа фахрийлари билан учрашув ўтказди. Бир пиёла чой устида бўлиб ўтган тадбирда санъаткорлар ҳам иштирок этишди. —Бизда фахрийлар ҳолидан мунтазам хабар олиш, улар билан мана шундай кўришиб туриш одат тусига кирган, дейди кенгаш раиси Л.Байбосынова.

Тадбир сўнгида кўп йиллик муносиб меҳнатлари учун уларга қимматбаҳо совғалар улашилди.

## *Навоий сабоқлари*

# ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ...

***Бермас татвил чун сухандон сўзга,***
***Қил мухтасар улча бўлғай имкон сўзга,***
***Кўп айб топар кимса фаровон сўзга,***
***Чун чекти узоққа, етти нуқсон сўзга.***

Сўз қадрини билган уни узоқ чўзмайди, имкони борича сўзни қисқа қил, чунки сўз қанча чўзилса, камчилиги ҳам шунча кўп бўлади, одамлар кўп сўздан кўп айб топадилар.

* * *

***Бу даҳр ажузеки, вафоси йўқ анинг,***
***Бир фоҳишадекдурки, ҳаёси йўқ анинг,***
***Дема муниким, айбу хатоси йўқ анинг,***
***Айби бас эрур буким: бақоси йўқ анинг!***

Бу дунё бир жодугар кампирдирки, унинг вафоси йўқ, бир фоҳишага ўхшайдики, шарму ҳаёси йўқ. Сен дунёнинг ёнини олиб, унинг ҳеч қандай айбу хатоси йўқ дема, бақоси йўқлиги дунёнинг энг катта айбидир.

* * *

***Бой эмас улки, мол касратидин***
***Кўрмагай фоқау талаб ранжин.***
***Они билким, Худой бермиш анга***
***Нафси аммора таркини ганжин.***

Молу дунёсининг кўплигидан бирор нарсага муҳтожлик машаққатию фақирликни кўрмаган киши бой эмас. Худо нафснинг ёмон хоҳишларини тарк этиш бахтини муяссар қилган кишини бой деб бил.

**Тўпловчи: Э.ОЧИЛОВ**

# Спорт + футбол

## ЯРИМ ФИНАЛДАН ҚАЙТИШДИ

«Тольятти кубоги» халқаро турнирида қатнашган ҳамюртларимиз Мурод Иноятов ҳамда Денис Истоминлар мусобақанинг ярим финалида Алексей Кедрюк ва Араст Терешук жуфтлигига имкониятни бой берди.

Мусобақаларнинг яккалик беллашувларида италиялик Урош Вико ҳамда австралиялик Александр Пейя ўзаро тўқнаш келди. Ушбу баҳсда Апеннин яриморолли вакилининг қўли баланд келди. Жуфтлик баҳсларида ҳам юқоридаги икки теннисчи ғалаба қозонди.

## ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Украинанинг Мариупол шаҳрида эркин кураш бўйича анъанавий халқаро турнир ниҳоясига етди. МДҲ ҳамда хориж мамлакатларидан 100 дан зиёд эркин курашчилар қатнашган ушбу турнирда 4 нафар юртдошларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Дилшод Орипов ҳамда Баҳодир Имомовлар бир вазнда (60 кг) гиламга тушдилар. Баҳодир дастлабки курашда поляк спортчисига имкониятни бой берди. Аммо, унинг жамоадоши Дилшод бу мағлубият аламини олди. Бироқ, у ҳам финалда украиналик курашчига ютқазиб қўйди. Олимпиада ўйинлари чемпони Александр Доктурашвили 84 кг вазнда гиламга чиқди. Финал баҳсида у қаттиқ жароҳат олиб, мусобақани тарк этди.

## ҲАЛИ ИМКОНИЯТ БОР

IPAA (Халқаро профессионал армрестлинг ассоциацияси) ташаббуси билан Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган қўл олишувида чемпионлик унвони учун курашган ҳамюртимиз Фарид Усмонов техник мағлубиятга учради.

Ўтган йилги жаҳон чемпионатида 110 килограмм вазнда ғолибликни қўлга киритган спортчи, бу гал профессионал армрестлингчилар баҳсида россиялик Артём Клименко билан куч синашди. Биринчи таймда ғалаба қозонган ҳамюртимиз, кейинги бўлимда имкониятни бой берди. Ҳисоб тенглашиб турган паллада кутилмаганда жароҳат олди. Бунинг натижасида у беллашувни россиялик спортчига бой берди. Бироқ, Фарид Усмоновда ҳали «реванш» беллашувида зафар қучиш имконияти мавжуд.

## «ШИННИК» ВАКИЛЛАРИ ТЕРМА ЖАМОАДА

Ярославлнинг «Шинник» жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган ҳамюртларимиз Евгений Сафонов ҳамда Леонид Кошелевлар миллий терма жамоамиз сафига чақирилди.

Маълумки, терма жамоамиз вакиллари 16 август куни Гонконг терма жамоасига қарши Осиё чемпионатининг саралаш баҳсларида майдонга тушади. Ҳар икки футболчи ҳам терма жамоанинг асосий таркибидан ўрин олиши мумкин. Чунки, улар ўйнаётган чизиқларда кучли рақобат қиладиган футболчилар йўқ ҳисоби.

## РОНАЛДИНЬО «МИЛАН»ГА ЎТАДИ...МИ?

Айни пайтда дунёнинг энг кучли футболчиларидан бири саналмиш Бразилия терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Роналдиньо «Милан» таркибига ўтиши мумкин. Бу ҳақда Италияда чоп этиладиган икки спорт нашри маълумот тарқатган. Унда шартнома баҳоси ҳам тахмин этилган - 125 миллион доллар.

«Милан» жамоасининг трансфер бозорида жонланиб қолганига сабаб клубнинг Европа чемпионлар лигаси ўтиш баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлиги бўлди. Италия суди яқинда жамоага қўйилган жазони енгиллаштирди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

# БИР КЛУБ МОЖАРОСИ

***Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги «Кўкдала» ширкат хўжалигида яшовчи бир гуруҳ иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари, ишчи-хизматчилар, талабалар, ногиронлар, хотин-қизлар йўллаган мактубда қишлоқларда маданий-маърифий ишлар сусайиб кетганлиги, клуб, кутубхоналар фаолияти эътибордан четда қолаётганлиги қаламга олинади.***

— Ўзининг чорваси, ғалласи ва пахтаси билан донг таратган «Кўкдала»-да аҳолининг дам олишини ташкил этишга қаратилган маданий-оқартув ишлари ўлда-жўлда, — дейишади хат муаллифлари. — Фуқаролар учун ҳордиқ масканлари барпо этилиши ўрнига, борлари ҳам тарқатиб юборилаяпти.

Бундан бир неча йил муқаддам бунёд этилган 260 ўринли ёзги клуб, кинотеатрда илгари қизиқарли фильмлар қўйилларди, концерт ва цирк томошалари намойиш этилар эди. 68 ёшли отахон Хушмурод бобо Қурбонов ушбу кинотеатрда 1980 йилдан бери аҳолига беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Касбига меҳр қўйган, 13 ўғил-қизнинг отаси бўлган бу кекса киномеханик ҳамиша томошабинлар хизматига ҳозиру-нозир. Ихтиёридаги ускуналарни бенуқсон ишлатиб, қизиқарли кинофильмлар намойиш этиш орқали ёшларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишларини таъминлаган.

Бироқ хўжаликнинг собиқ раиси А.Аралов бошчилигидаги бир гуруҳ мутасаддилар ёзги клубни хусусийлаштириб, «Ким ошди савдоси» орқали шу йилнинг 20 январида Жўрабек Ҳасановга сотиб юборишди, — дейди касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Саъдулло Бурҳонов. — Ўшандан бери кинофильм қўйиш аро йўлда қолиб кетди. Бошқа томошалар ҳам намойиш этилмаяпти.

Хўжалик марказида касб-ҳунар коллежининг 600 дан зиёд талабалари, 3 та мактабнинг мингдан кўпроқ ва лицейнинг 200 дан ортиқ ўқувчилари ва 5 минг нафар балоғат ёшидаги ўсмирлар истиқомат қилишади. Аммо уларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун кўнгилочар томошалар ўтказиб борилмайди. Бунинг устига борйўғи битта клуб ҳам ўз фаолиятини тўхтатганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Журналистик суриштирув жараёнида мутасаддилар билан суҳбатлашдик. Бош ҳисобчи Н.Пирназаровнинг тушунтириш беришича,

## Хат йўлга чорлади

умумий йиғилиш қарори, вилоят «Қоракўл» бирлашмаси раиси А.Раҳмоновнинг 2006 йил 18 январдаги 12-хатига асосан клуб биноси кимошди савдосига қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Кўчмас мулк биржаси Қашқадарё филиали билан фуқаро Жўрабек Ҳасанов ўртасида ёзги клуб биносини 806 минг сўмга сотиб олиш учун жорий йилнинг 20 январида 5-рақамли шартнома тузилган. Унга мувофиқ Ж.Ҳасанов шу йил 23 январда хўжаликка 725 минг 400 сўм тўлаган.

Бир қараганда, ҳаммаси рисоладагидек амалга оширилган. Лекин масаланинг яна бир томони бор. Биржа савдоси ўтганидан сўнг қишлоқда юзага келган норозиликлар ва келишмовчиликлардан кейин Жўрабек Ҳасанов клуб биносини жорий йилнинг 4 май куни ҳадя этиш шартномаси орқали отаси Раҳмат Ҳасанов тасарруфига ўтказган. Ушбу ҳужжат Чироқчи туман нотариуси Р.Туропов томонидан расмийлаштирилган.

Президентимизнинг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлигини ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорида кўрсатилганидек, ислоҳотларнинг қизғин палласида мафкуравий ишларни аҳолининг кенг қатламларига қаратиш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакилларининг бўш вақтларини мароқли ўтказиш долзарб вазифага айланган.

Юртбошимизнинг 2004 йил 16 мартдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу ҳужжат ижроси бўйича қабул қилган қарорида Ўзбеккино миллий агентлигини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланган. Шундай экан, бундай муҳим масалаларга масъул бўлган раҳбарлар фуқароларнинг дам олишини ташкил этиш тўғрисида қачон ўйлаб кўришади?

Хусусийлаштириш — давр талаби. Ислоҳотлар жараёнида мулкчилик шакли ўзгариб бораверади. Бироқ, аҳолига бинойидек хизмат кўрсатиб турган клубни хусусийлаштириб, унинг хизмат йўналишини ўзгартириш ва одамларни кинофильмлар кўришдан мосуво қилиш кимга фойда келтирар экан?

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## *Бунёдкорлик*

# БАЙРАМГА ТУҲФА

***Хўқанди Латиф шоиру алломалари, олиму фузалолари билан донг таратган. Кўҳна шаҳар яна бир муҳим жиҳати билан алоҳида ажралиб туради. Бу гўша ўзбек футболининг Ватани ҳам. Ҳа, дастлабки футбол жамоаси Қўқон шаҳрида 1912 йилда ташкил топган. Бир сўз билан айтганда ушбу спорт турининг мамлакатимизда кенг оммалашувида Қўқон футбол мактабининг муҳим ўрни бор. Ўша «Қалдирғоч» жамоа сардори Ҳусанхон Муҳиддинов номи билан аталувчи шаҳар марказий ўйингоҳида айни кунларда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай, деб қолди.***

Шаҳар ҳокими, сенатор М. Усмоновнинг саъй-ҳаракатлари билан бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Бош пудратчи «Қурувчи-М» фирмасининг 104 нафар ишчи-ходимлари астойдил меҳнат қилишаётир. Ҳозирда асосий кириш йўлидаги фаввора қурилиши якунланиб, сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

— Футбол ишқибозлари учун қулай шароит яратиш мақсадида замонавий ўриндиқлар ва соябонлар ўрнатилмоқда,— дейди шаҳар ҳокимлиги масъул ходими В.Мирзаев. — Умуман, лойиҳа бўйича 600 миллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Режага кўра, бу ишлар мустақиллик байрами арафасида якунланиб, тўйига тўёна сифатида фойдаланишга топширилади.

Ўйингоҳ кундан-кун чирой очиб бормоқда. Бу йўлда «14-трест», «Қурувчи», «Ирмоқ» кичик корхонаси, «Қўқон промантаж» сингари қурилиш ташкилотлари ишчилари режа асосида жонбозлик кўрсатаётирлар. Байрам арафасида ўйингоҳнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Сўнг яна Марказий ўйингоҳда «Қўқон-1912» жамоаси мухлисларининг шодон ҳайқириқлари бaралла янграй бошлайди.

**Зоҳиджон БОЛТАБОЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Ishonch

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - Ҳ.Абдужалилов
Навбатчи муҳаррир - З.Рихсиев
Навбатчи - Р.Суяров
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7556 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru Буюртма Г— 1014

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.00